Ушбу сонда:

2 *Ижтимоий ҳимоя* ТАЛАБАЛАР КАСАБАҚЎМ ҲОМИЙЛИГИДА

3 ДАЛА ҚЎШИҚЧИСИ Очерк

4 *Орамиздаги одамлар* ЮЗ ЯШАР МУАЛЛИМ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 24 сентябр, чоршанба № 150 (1575)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Сейминнинг (парламент) Польша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элжбета Радзишевска раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Меҳмонларнинг мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан мулоқоти чоғида эса мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Сейм вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетида профессор-ўқитувчилар ҳамда поляк тилини ўрганаётган талабалар билан суҳбатлашди.

(ЎзА)

Излаган имкон топади

«СУВМАШ»НИНГ СИФАТЛИ НАСОСЛАРИ

«Сувмаш» ҳиссадорлик жамиятига чет эл сармояси киритилганлиги натижасида мазкур корхона кун сайин гуркираб бораётир. У республика сув хўжалиги учун насослар ишлаб чиқаришга ҳамда таъмирталаб насос ва электродвигателларни таъмирлашга ихтисослаштирилган.

Бугунги кунда бу даргоҳда 380 нафар киши астойдил тер тўкаяпти. Уларнинг 154 нафари эса хотин-қизлардир. Ишчиларнинг меҳнат қилиш ва яшаш тарзлари ҳавас қилса арзигулик. Ойлик маош ўз вақтида бериб турилибди. Иш вақти 8 соат. Шанба, якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади. Узоқдан қатнаб ишлайдиганлар учун махсус автобуслар ажратилган. 1-2 хонали қулай ва шинам 151 ўринли ётоқхоналарда яшаётганлар ҳам ўз ҳаётларидан мамнун. Ҳар бир хонадонда алоҳида душ ва ошхона мавжуд бўлиб, бу ишчи аҳлининг оғирини енгил қилади. Корхона ҳудудида жойлашган мўъжаз ошхоналарда ишчилар арзон нархда овқатланишлари мумкин.

Илгарилари қишнинг қорли-аёзли кунларида табиий газ камайиб, этлар совуқдан жунжикар, натижада иш қобилияти сусаяр эди. Жамоа раҳбарияти унинг чорасини топди. 72 миллион сўм харажат қилиб, махсус иситиш системаси қурдирди. Натижада ишчилар қаҳратон чиллада ҳам иссиққина иш жойларида ҳузур қилиб меҳнат қиладиган бўлишди.

Айни пайтда «Сувмаш»нинг 120 ўринли «Зилола» болалар боғчаси фаолият кўрсатмоқда. У ерда жажжилар кунларини завқ-шавқли ўтказишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Боғчага ишчиларгина эмас, балки шу атрофда истиқомат қилувчи аҳоли ҳам ўз фарзандларини олиб келишаяпти.

Бу даргоҳда касаба уюшма қўмитасининг ўз ўрни, салмоғи бор. Корхона бош директори ёрдамчиси Бекзод Содиқов касаба уюшма ишларини ҳам бекаму кўст адо этаяпти. Унинг саъй-ҳаракати билан талай ишлар амалга оширилди. Ёз мавсумида 80 нафар болакай «Қизилсой» болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқарди. 8 та оила «Бурчмулла», «Оқтош», «Кумушкон», «Қизилсой»да дам олди. Бундан ташқари, корхона аҳли ўртасида маданий-маиший тадбирлар ҳам ўтказиб турилибди. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида бўладиган спорт байрамига истаги бор жамоа аъзоларини автобусда олиб бориш режалаштирилаяпти.

Спорт ишларига ҳам эътибор ёмон эмас. Мисол учун волейболчиларнинг «Сувмаш» жамоаси анча кўзга ташланиб қолди. Ишчилар бўш пайтларида футбол, баскетбол, шоҳмот-шашка ўйнаб спортга катта меҳр қўйишмоқда. Касаба уюшма қўмитаси эса спорт жиҳозларининг ўз ўрнида бўлишига, қизиқувчиларга қулайлик яратилиши учун ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга ҳам жиддий аҳамият берилаётир. Мавжуд тиббий пунктда 2 нафар ҳамшира ишчиларга тиббий хизмат кўрсатади. Физиотерапия хонасида муолажалар махсус аппаратларда олиб борилади. Ётоқхоналарда ҳам тиббий пункт бор. У ерда ҳар куни кечқурун 1,5 соат давомида шифокор ётоҳонада яшовчи беморларга хизмат қилади.

Хуллас, корхонада тилга олса арзигулик ишлар кўп. Масалан, шу ерда меҳнат қилган 10 нафар иккинчи жаҳон уруши ҳамда 46 нафар меҳнат фахрийлари байрамларда моддий ёрдам олиб туришади. Ҳуқуқшунос Анжелика Бабеч ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг шарофати билан корхонада шартнома ва бошқа ҳужжатлар меъёрига етказиб тайёрланаяпти. Ишчилар ҳам ўзларини қийнаган ҳуқуқий саволларга тўлақонли жавоб олишаяпти.

Яқинда корхона 291-мактабга 500 минг, тумандаги «Маҳалла» жамғармаси фондига 1 миллион 400 минг сўм ўказиб берди. «Зилола» болалар боғчасига эса компьютер туҳфа қилинди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи,
«Ишонч» мухбири

«Оқ олтин - 2003»

Бу йил мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди – Сурхондарё воҳасида меҳнатни тўғри ташкил этиш, агротехника қоидаларига риоя қилиш натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Зотан, бугун чаноқларда лўппи-лўппи бўлиб очилган пахтани кўриб кўзлар қувнайди. Ҳа, олтин куз фаслининг ушбу оромбахш кунларида воҳада уста бободеҳконларнинг заҳматли меҳнати самараси бўлган «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишга киришилди.

СУРХОН ПАХТАЗОРЛАРИДА

меҳнат сурури

Сариосиё туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахтакорларининг юз-кўзларидан, самарали меҳнатларидан мамнуният ҳиссини англаб олиш қийин эмас. Зеро, улар вилоятда биринчилардан бўлиб йиғим-терим ишларига киришиб, ҳозиргача режанинг 80 фоизини уддалашга эришдилар. 790 гектар пахта майдони 58 нафар оилавий пудратчига бўлиб берилганлиги ютуқлар омили бўлди. Бинобарин, Усмон Бобоев, Насрулло Қодиров, Эгамберди Тоғаев сингари оилавий пудратчилар айни вақтда йиллик режани бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар.

– Меҳнатга муносиб рағбат бор жойда, унум бўлади, – дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураҳмон Сатторов. – Йил бошида хўжалик касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда махсус тадбир ишлаб чиқилган. Унга асосан режани биринчи бўлиб бажарган оилавий пудратчиларга рангли телевизор, бир бош қорамол ва қўй мукофот тарзида берилади. Шунингдек, илғор теримчилар қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда 50 минг сўм миқдоридаги мукофот билан тақдирланишади. Айни кунда теримчилар учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, хўжалик маъмурияти ҳисобидан ҳар куни бепул иссиқ овқат бериб борилаяпти.

Олтинсой туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 39 центнердан ҳосил кўтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. 103 гектар ерда деҳқончилик қилган оилавий пудратчилар далаларида ҳосил мўл. Бу ерда ҳам илғор оилавий пудратчилар ва теримчиларнинг рағбатлантирилишига катта аҳамият қаратилмоқда. Теримчиларга дала бошида иссиқ овқат тайёрланмоқда. Қишлоқ врачлик пункти шифокорларининг беминнат ёрдами кўрсатилаётир.

«Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги нафақат Қумқўрғон туманида, балки вилоятда ҳам энг илғор хўжаликлардан бири саналади. Хўжалик миришкорлари бу йил 1080 гектар майдонда «Дуру гавҳар», «Армуғон», «Фан-1» каби эртапишар, серҳосил пахта навларини парвариш қилишди. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш мақсадида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Шунинг учун ҳам ҳозирда бош пудратчилар – Ўрол Муҳаммадиев, Бозор Ҳайитов, Нормўмин Ҳакимов, Файзулла Мусурмонов, Жўра Бойматовларнинг дала шийпонлари теримчиларнинг иккинчи уйига айланган. Теримда қатнашаётганлар иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Шу билан бирга теримчилар учун зарур бошқа барча жиҳозлар хўжалик ҳисобидан олиб берилди. Беш иш куни натижасига кўра олдинги ўринларни эгаллаган пудратчилар бир бош қўй ҳамда ўсимлик ёғи, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан тақдирланишаяпти. Энг кўп пахта терган теримчига эса 15 минг сўм мукофот тариқасида берилмоқда. Бундан ташқари, илғорларнинг мавсум якунига кўра рағбатлантирилиши ҳам кўзда тутилган.

– Туманимиз пахтакорлари олдида 42 минг тонналик улкан хирмон яратишдек масъулиятли вазифа турибди. Айни вақтда «Навбаҳор», «Қўнғирот» ҳамда Абдулла Қодирий, Акмал Икромов, Абдулла Набиев номли фермер хўжаликларида йиғим-терим авжига чиққан. Ҳар беш кунда иш ҳақи тўлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, далаларда зарур эҳтиёж моллари харид қилиш учун кўчма савдо дўконлари ҳам ташкил этилган, – дейди Музработ туман агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Жўра Ғаффоров.

Ҳа, бугун сурхон пахтазорларида қўшиқ янграмоқда. Бу кишини олға чорловчи зафар қўшиғи. Шу меҳнат қўшиғи асосида улкан «оқ олтин» хирмонлари кўкка бўй чўзмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири



ЁШ ТЕННИСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Пойтахтнинг «Камолот» теннис кортларида «Соғлом авлод учун» жамғармаси кубоги учун болалар ўртасида халқаро турнир бошланди.

11 ва 14 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтаётган мусобақаларда барча вилоятлар ҳамда Россия теннисчилари иштирок этмоқда.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Миришкор туманидаги Автономов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси ва «Жейнов» ширкат хўжалигида терим машиналари далага чиқди.

ТЕРИМ АГРЕГАТИ ДАЛАГА ЧИҚДИ

«Жейнов»да бу йил 3102 гектар ерда пахта экилган. Шунинг 1750 гектаридаги ҳосил машиналарда териб олинади.

- Бу йил шартнома бўйича 7971 тонна сифатли пахта тайёрлашни режалаштирганмиз,- дейди хўжалик раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов. - Далада ҳосил мўл. Шуни ҳисобга олиб, ялпи хирмонни 11 минг тоннадан оширишни кўзлаяпмиз.

Автономов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасида эса Миришкор туман МТП сига қарашли 10 та «КЕЙС» ишлаб турибди. Мавсумда 1681 гектар пахта майдонининг 900 гектаридаги ҳосилни агрегатлар ёрдамида териб олиш белгиланган. Айни вақтда ҳар бир «КЕЙС» билан кунига ўртача 20 тоннадан пахта терилмоқда.

(ЎзА)

Демократик ҳуқуқий давлат сари

ИШ ЯРАШУВ ТАРТИБИДА КЎРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим, айтиш жоизки, энг дадил қадамлардан бири бўлди. Зеро, бундан жамият ҳам, давлат ҳам, фуқаролар ҳам бирдек манфаатдор. Агар таъбир жоиз бўлса, жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қабул қилинган конунни истиқлол меваси дейиш мумкин.

– Мушоҳада қилиб фикр юритадиган бўлсак, – дейди Бухоро тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Давлат Соҳибов, – илгари билиб-билмай жиноятга қўл урганларга шафқатсизларча жазо тайинланарди. Ниҳоят, бу каби ҳолатларга барҳам бериладиган бўлди. Том маънода инсонпарварлик, меҳр-оқибат, кечиримлилик тамойилларини ўзида мужассамлаштиришган янги қонун механизми яратилди. У бугун ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Мисол учун гумонланувчи Жамшид Амоновга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бунга яққол мисол бўла олади.

Ж. Амонов бир қанча вақт тумандаги А.Шокиров номли ширкат хўжалигининг нефт маҳсулотлари омбори мудири бўлиб ишлаб келган. Туман прокуратураси томонидан мутахассислар иштирокида ушбу ширкат хўжалигида нефт маҳсулотларидан фойдаланиш аҳволи ўрганилганида, унинг жавобгарлигида бўлган жами 460 минг 509 сўмлик нефт маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги аниқланди. Шу тарика Ж.Амонов ширкат хўжалигига моддий зарар етказган.

Бироқ Ж.Амонов тезда ўз хатосини тан олиб, бу моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаш чорасини кўрганлиги маълум бўлди. Ширкат хўжалиги бошқарув вакиллари туман прокуратурасига махсус хат билан мурожаат қилиб, гумонланувчи жамоага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, пировардида унга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини ва жиноят ишини ярашув асосида кўриб чиқиш учун судга ўтказишни сўрашди. Шунингдек, худди шундай мурожаат Ж.Амонов томонидан ҳам билдирилди. Бунда фуқаровий даъвогар ва айбланувчининг ярашганлиги, етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганлиги, қолаверса, Ж.Амоновнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги инобатга олинди. Туман прокуратураси ушбу жиноят ишини ярашув тартибида кўриб чиқиш учун жиноят ишлар бўйича туман судига юборишга қарор қилди.

— Яхшиямки, инсонпарварликни мужассам этган қонунларимиз бор. Шу сабаб хатойимни тўғрилашга, тенгқурларим, жамоадошларим орасида ўз ўрнимни топишга имкон яратилди. Самарали, ҳалол меҳнатим билан гуноҳларимни ювамаи, албатта, – дейди Ж.Амонов қилмишидан пушаймонлигини билдираркан.

Ҳа, киши баъзида хато қилади, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолади. Энг муҳими, у келгусида қилмишидан сабоқ чиқара олса, ҳаётга уйғоқ кўз билан қараб, эл-юртга кўпроқ нафим тегсин, дея яшаса бўлди. Зотан, бугунги барча саъй-ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиклаш ҳақида»ги қарори ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

НИКОҲ ВА САЛОМАТЛИК

Баркамол авлоднинг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда, деб таъкидланди тадбирда. Соғлом фарзанд соғлом оилада дунёга келади. Шу боис, турмуш қураётган ёшлар саломатлигига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш аввалига осон кечмаганди. Бунга ортиқча оворагарчилик сифатида қаровчилар ҳам топилди. Лекин бу жараён йиллар ўтгани сайин изига тушиб бормоқда. Яхши ният билан бир ёстиққа бош қўймоқчи бўлган икки ёш бир-бирининг соғлиғи ҳақида тўла маълумот олиши айрим муаммоларнинг барҳам топишига замин яратади. Шу боис ҳам бугунги кунда никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтиш учун тақдим этилаётган йўлланмани табиий ҳол сифатида қабул қила бошлади.

Номи зикр этилган ҳукумат қарорига мувофиқ бу жараён қатъий тартибга солинадиган бўлди. Қарор асосида тасдиқланган низомда никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча қонун-қоидалари белгилаб берилган. Бу тартиб 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади.

Пойтахтимиздаги Бахт уйлари, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва архив ходимлари иштирок этган ушбу анжуманда ана шу масалалар хусусида сўз борди.

(ЎзА)

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

Кейинги йилларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси тизимида тармоқ меҳнаткашларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мухофаза этишнинг кучли омили юзага келди. Кўпчиликка маълумки, бу борадаги ишлар касаба уюшма ҳамда иш берувчилар ўртасида имзоланаётган келишувлар ва жамоа шартномаларида ўз аксини топяпти. Ишчи-хизматчилар учун имтиёзлар яратиш максадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ўртасида 2003-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган тармоқ келишувда ҳам айнан тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бандлик, иш ҳакини ўз вактида тўлаш, меҳнат шароитлари ва бошка масалалар атрофлича камраб олинган.

МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ

жамоа шартномаларида ўз аксин топмоқда, лекин...

Жамоа шартномалари айни вақтда меҳнаткашларни ижтимой-иқтисодий ҳимоялаш воситаси бўлиб хизмат қилишини тушуниб етган бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан ҳам 2003 йил 1 июл ҳолатига кўра қабул қилинган жамоа шартномаларининг сони 151 тани ташкил этди. Бу тармоқдаги мавжуд корхона ҳамда ташкилотларнинг 99,3 фоизи демакдир.

Айни пайтда тармоқда тузилган режага асосан барча бошланғич ташкилотларда йилнинг биринчи ярмида жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши кўриб чиқилмоқда. Ўз навбатида акциядорлик компаниялари билан Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида тузилган келишувнинг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари қўшма йиғилишларда муҳокама этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 51,2 минг сўмни ташкил этди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бўйича ушбу кўрсаткич 64,1 минг сўмга етди. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси бўйича бу йилги маош ўтган йилга нисбатан 1,3 марта ортди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида барча филиаллар, корхоналар ҳамда ташкилотлар томонидан жамоа шартномаларида назарда тутилган моддий ёрдамнинг барча турлари меҳнаткашларга тўла-тўкис тўланди. Масалан, йиллик меҳнат таътилига чиқишда моддий ёрдам кўрсатишга 321,8 миллион сўм сарфланди. Ишчи-хизматчиларнинг марака маросими учун уларнинг ҳар бирига 45 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

«Қарияларни қадрлаш йили»ни муносиб ўтказиш бўйича тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. 2227 нафар ишламайдиган пенсионерларнинг ҳар бирига ёрдам берилди. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциодорлик компанияси ҳар бир хат ташувчига марказлашган ҳолда махсус пойафзал сотиб олди. Оғир ҳамда зарарли меҳнат шароитида ишлайдиган ходимларга қўшимча ҳақ тўланди. Жамоа шартномаларининг бажарилишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўзда тутилган имтиёз орқали ҳар бир ходим ойига лавозим маошига қўшимча равишда 18,7 минг сўм ҳақ олишди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида бир қатор корхона, ташкилотлар меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда яхши натижаларга эришдилар. «Бухоротелеком», «Навоийтелеком», «Тошкенттелеком», «Сирдарётелеком», «Тошкент шаҳар телефон тармоқлари станциялари» филиаллари шулар жумласидандир. «Матбуот тарқатувчи» акциодорлик компанияси таркибига кирувчи Андижон, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Хоразм масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳам бу борадаги ишлари таҳсинга сазовордир.

Шу билан бирга жорий йилнинг ярим йиллигида келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилиши бўйича жиддий камчилик ва хатоликларга ҳам йўл қўйилди.

Айрим касаба уюшма ташкилотлари томонидан назорат етарлича йўлга қўйилмагани оқибатида баъзи филиаллар, корхоналарда моддий ёрдам кўрсатиш миқдори жамоа шартномаларида белгиланганига қараганда кам тўланди. Меҳнат шароитини яхшилаш бўйича маълум ишлар амалга оширилганлигига қарамай, биринчи ярим йилликда тармоқда бахтсиз ҳодисалар ҳам юз берди. Бешта бахтсиз ҳодисадан 4 таси ишлаб чиқариш билан боғлиқдир.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги учун жамоа шартномалари ва келишувларнинг бажарилиши якунлари муҳокамасида жамоа шартномалари ҳамда келишувларда қабул қилинган мажбуриятларни бажариш юзасидан юқорида кўрсатиб ўтганимиздек айрим камчиликлар ҳам учраяпти. Уларни бартараф этиш учун мажлис ҳамда конференциянинг тегишли қарорлари ҳамда республика алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди.

Неъмат РАФИКОВ,
«Ишонч» мухбири



Жорий йилда «Андижонпахтасаноат» ҳудудий бирлашмасида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Қўқон қишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти корхонаси капитал таъмирдан чиқарилиб бу ерда ихчам технология асосида қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Суратда: корхонанинг умумий кўриниши

Долзарб мавзу

ЁШЛАР

эътибордан четда қолмаслиги керак

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

– Тарбиявий тадбирларни, аввало, ҳар бир оиладан, ота-оналар билан қатъий мулоқотдан бошлаш керак, – деди комиссиянинг масъул котиби Акмал Абдураҳмонов. – Маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб борилса, ижобий натижага эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, Ғузор туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари томонидан билим масканлари ва маҳаллаларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайтириш, диний ақидапарастлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишга эътибор кучайтирилмоқда. Нотинч оилаларнинг фарзандлари билан алоҳида шуғулланиляпти. Кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларига ҳомийлар кўмагида кийим-кечак, дарслик ва бошқа ўқув қуроллари олиб бериляпти.

Мирзо Турсунзода номли маҳаллада яшовчи вояга етмаган Сирожиддин Ҳаққулов бултур икки марта майда ўғирлик содир этиб жавобгарликка тортилди. Маҳалла-кўй кенгашиб, уни ўз оталиғига олди. Оиласига моддий ёрдам кўрсатилди. Тажрибали ўқитувчилардан З.Эшбоев, А.Мейлиев, А.Ортиқова, М.Остонавалар тарбиявий-аҳлоқий тадбирларни олиб бориш учун масъул қилиб тайинланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан бепул дарсликлар олиб берилди.

Айрим мутасадди ташкилотлар томонидан балоғатга етмаганларнинг ўқиши, соғлиғи ва меҳнат муҳофазасига эътиборсизлик билан қараб келинмоқда. Масалан, «Пахтазор» маҳалласида яшовчи, муқаддам ҳуқуқбузарлик содир этган 34-мактабнинг юқори синф ўқувчиси Асрор Қурбоновга маҳалла фуқаролар йиғини «Қаршидаги коллежда ўқияпти» деб маълумотнома берган. Ҳолбуки, у ўқишдан бўйин товлаб юрган. Шунингдек, Қодирий номли мактабнинг 6-синф ўқувчиси Баҳром Эргашев ҳам ўқишга бормасдан ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан шуғулланганлиги учун Самарқанддаги махсус ўқув-тарбия муассасасига топширилди.

Туманда 150 мингга яқин аҳоли бўлиб, 73602 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Улардан 40 минг нафари мактаб ўқувчилари, 1500 таси касб-ҳунар коллежлари талабаларидир. Ҳозирда жиноят содир этган вояга етмаганлардан сакиз нафари профилактик ҳисобга олинган. Уларнинг хатти-ҳаракати доимий назоратда.

Ўтган даврда ўсмирлар томонидан 4 та жиноят содир этилди. Чуғуртма қишлоғида яшовчи балоғат ёшига етмаган Аҳрор Ҳотамов иқтисод коллежи талабаси Дилшод Худойбердиев билан жанжаллашиб тан жароҳати етказади. «Наврўз» жамоа хўжалигининг Қумчўп қишлоғида яшовчи Авлоний номли мактаб ўқувчиси Қодир Худойқулов фуқаро Мурод Қурбоновнинг бир бош қорамолини ўғирлаб, бозорда пуллайди.

– Ёшлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслиги керак, – дейди «Маҳалла» жамғармаси туман кенгаши раиси Сағдулла Ўлжаев. – Шу мақсадда жамғарма ташаббуси билан 11, 14 ва 17 ёшли болалар ўртасида маҳаллараро футбол ва волейбол мусобақалари ўтказилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Болалар спортини ривожлантириш, ўсмир ёшларни оммавий спортга жалб қилиш учун 3 та маҳаллада футбол ва волейбол майдончалари, 20 та мактабда мажмуалар барпо этилди. «Истиқлол» ширкат хўжалиги маъмурияти ташаббуси билан ҳудуддаги 6 та мактабга 1 миллион 200 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги эса мактаб спорт зали ва майдончаларини жиҳозлаш учун бир миллион сўм маблағ ажратди.

Тарбия – мураккаб ва нозик жараён. Бола тарбиясида ота-она, мактаб ва маҳалла масъул эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам балоғатга етмаганлар иши бўйича комиссия, хотин-қизлар қўмитаси, туман прокуратураси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ички ишлар, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан маҳалла ва мактабларда турли мавзуларда давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштирилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ТАЛАБАЛАР КАСАБАҚЎМ ҲОМИЙЛИГИДА

Мамлакат тараққиётини таъминлаш учун бугун ёшларнинг ўқиб-ўрганиши, пухта билим олиши, маънавиятини бойитишга эришиш жуда муҳим. Кўплаб ўқув юртлари ана шу мақсадга хизмат қилаяпти. Шундай билим даргоҳларидан бири Самарқанд давлат университетидир. Бу ерда ёшларга билим беришнинг, фан сирларини ўргатишнинг ўзига хос тарихий анъаналари, илмий тадқиқотларнинг узлуксиз тизими мавжуд. Университет олимларининг илмий ишлари халқ хўжалигига катта наф келтирмоқда. Талабалар эса илмий изланишлар соҳасида, спорт жабҳасида, ижтимоий фаолиятда қувонарли натижаларга эришаяпти.

Ҳозир университетда таҳсил олаётган етти минг нафардан зиёд йигит-қизларга 700 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Ёшларнинг фан сирларини чуқур ўрганишлари, ўз иқтидорларини намоён қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

- Албатта ўқув қуролларини сотиб олиш, ахборот манбаларини топиш аксарият талабаларга оғирлик қилади. Ёшлар кенг дунёқарашли, янгиликлардан хабардор, чуқур билимли бўлишлари учун эса бу жуда муҳим, - дейди СамДУ проректори М.Муҳиддинов. - Бу борада университетимиз катта имкониятларга эга. Билим даргоҳидаги Алишер Навоий музейи, зоология, археология, геология, университет тарихи музейларининг, 3 миллион китоб жамғармасига эга кутубхонанинг, барча факультетлар, талабалар уйларидаги маънавият-маърифат хоналарининг эшиклари ёшлар учун доимо очиқ. Икки йилдирки, ўқитувчилар ва талабалар халқаро интернет тизими имкониятларидан фойдаланишаяпти. Кўплаб янги адабиётлар ҳар йили харид қилинмоқда. Кам таъминланган талабалар университет ҳисобидан 1 миллион сўмлик матбуот нашрларига обуна қилинади. Лўнда қилиб айтганда, талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағнинг бир қисми улар маънавиятини бойитиш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Университет раҳбарияти амалга ошираётган ана шундай ибратли тадбирларнинг самараси ўлароқ талабалар жамоалари республика миқёсидаги танловларда муваффақиятли қатнашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган «Конституция - бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловида СамДУ талабалари биринчи ўринни ва 1,5 миллион сўмлик пул мукофотини қўлга киритишди. Шунингдек, олий ўқув юртлари театр-студияларининг «Хазина-2003» фольклор асарлари республика, талабаларнинг анъанавий Ўзбекистон қўшиқлар байрами танловларида юқори натижаларга эришилди.

- Аниқ мақсадли ижтимоий ҳимоя тадбирлари ҳам амалга оширилаяпти, - дея суҳбатни давом эттирди университет касаба уюшма қўмитаси раиси Бурхон Ялғошев, - Ихтиёримизда учта талабалар уйи бор. Уларнинг 2 тасида ҳозир тубдан таъмирлаш ишлари кетаяпти. Ҳадемай талабаларимиз энг яхши шароитларда яшай бошлайди. Бундан ташқари, ижара уйларида яшовчи талабаларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланган. Янги ўқув йилидан бошлаб университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан физика факультети талабаларининг стипендиясига 20 фоизли қўшимча тўлов жорий қилинди. Хуллас, талабалар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан етарлича қўллаб-қувватланмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг энг самарали омилларидан бахраманд бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, университет касаба уюшма қўмитаси талабалардан ўз ёрдамини аямаяпти. Касабақўм ҳомийлиги билан бадиий ҳаваскор талаба қизларнинг бир гуруҳи Кореяда бўлиб, миллий санъатимизни намойиш этиб қайтишди. Айни вақтда университетда 80 дан ортиқ турли клуб ва тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик дасталар, битта талабалар студияси фаолият кўрсатаяпти. Талабалар ихтиёрига 4 та спорт зали, кўплаб спорт майдончалари бериб қўйилган. Мақсадли дастур асосида олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя, моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари туфайли талабалар ҳам ҳар жабҳада муваффақиятларга эришмоқда.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

ГИМНАЗИЯДА ИНТЕРНЕТ СИНФИ

Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-гимназияда ота-оналар кўмагида интернет синфи очилди. Бу ерда ўқувчиларнинг нафақат жаҳон янгиликлари билан танишишлари, балки илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган.

- Жамоамиз "Ўқитувчилар ва мураббийлар" куни байрамини муносиб ютуқлар билан кутиб олишди,-деди гимназия директори Гулойим Абдирова "Туркистон-пресс" мухбирига.- Бугунги кунда гимназияда профессорлар, фан номзодлари ва 29 нафар олий тоифали ўқитувчилар, жами 81 нафар педагог меҳнат қилмоқда.

Г. Абдированинг таъкидлашича, билим маскани ўқувчилари ва ўқитувчилари АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилаётган танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Директор ўринбосари Гулара Бекимбетова ва ҳуқушунослик фани ўқитувчиси Муҳаббат Шлимбетовалар "Фуқоролик тарбия" дастури бўйича етти ҳафта АҚШда, иқтисодиёт фани ўқитувчиси Гулжон Табулганова АҚШ давлат департаменти томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, Москва, Санк-Петербург, Киев, Олмаота шаҳарларида, Химия-биология фани ўқитувчиси Олга Моисеева Корея республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси қошидаги таълим маркази таклифига биноан бир ой Сеул шаҳрида малакаларини ошириб қайтди. АКСЕЛС дастури бўйича ғолиб Давлатёр Жиамуродов АҚШ олий ўқув юртларидан бири талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлган бўлса, шу дастур бўйича яна бир ғолиб 10-синф ўқувчиси Яна Ким АҚШда ўқиш учун йўлланма олди.

УЛАР ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

Бухорода АҚШ коллежларида ўқиш истагида бўлган Навоий ва Бухоро вилоятларининг мактаб ўқувчилари дастлабки тест синовларидан ўтишди.Унда беш юз нафар бола қатнашди.

- Ўқувчиларни танлаб олиш АҚШ таълим ва маданият департаменти дастури доирасида олиб борилди, - деди вилоят АКСЕЛС маркази раҳбари Шуҳрат Зоҳидов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Тест синовлари келгуси йилнинг май ойида тўла-тўкис тугаллананди. Ғолиблар август ойида АҚШ коллежларига йўл олишади.

Ўтган йил дастури доирасида ғолиб чиққан 13 нафар ўқувчи бундан бир ой муқаддам АҚШнинг энг яхши коллежларига жўнатилганди.

"Туркистон-пресс"

«12-автосарой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 242 нафар ҳайдовчи ҳамда 103 нафар кондукторлар ва бошқа ишчи ходимлар учун яхши шароитлар яратилган.

ЎРТАЧА ОЙЛИК 100 МИНГ СЎМ

Бу ерда ўртача ойлик 100 минг сўмни ташкил этади. Айрим ҳайдовчилар 180 минг сўмгача маош олишади. Шу билан бир қаторда автосаройнинг ёрдамчи хўжалигидан гўшт, сут ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам ишчиларга бепул берилади. Автосарой жамоаси 50 гектарли ерни ижарага олишиб 4 йилдан буён деҳқончилик қилиб келишмоқда. Далада ем-хашак билан биргаликда ишчи ходимлар учун картошка, пиёз, сабзи, бодринг ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ходимларнинг дам олишлари ҳамда уларнинг фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларида мароқли дам олиб соғлиқларини тиклаб қайтишлари учун ҳам маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 1 миллион 900 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Сергели туманидаги «Дўстлик», «Мустақиллик», «Йўлдош» маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга ёрдамчи хўжаликда етиштирилган картошкадан 2,5 тонна ёрдам берилди. 351-болалар боғчаси ҳамда 3-ўрта мактаб, кўрлар жамиятига ҳам байрам ва тадбирлар учун гўшт, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилди.

Ҳ.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

АУКЦИОНДА - ГАЗ

Республика товар-хомашё биржасида ўтган ҳафтада умумий қиймати 3800 миллион сўмдан ортиқ 126 шартнома тузилди. Операцияларнинг умумий сонида кичик ва ўрта бизнес айланмаси 70 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва «Автогаз» акциядорлик компанияси корхоналарига суюлтирилган газ сотиш бўйича махсус кимошди савдоси ўтказилди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси корхоналари томонидан 2003 йил октябр-декабр ойларида сотиш учун қиймати 1,33 миллиард сўмлик 13899 тонна суюлтирилган газ тақдим этилди. Улар орасида «Шўртаннефтгаз», Муборак газни қайта ишлаш заводи, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртан газкимё мажмуи, «Муборакнефтгаз» бор.

Таклиф этилган товарларнинг ҳаммаси сотилди. Суюлтирилган газнинг ўртача нархи тоннасига 155 минг сўмни ташкил этди. Савдода «Автогаз», кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 80 дан ортиқ вакили қатнашди.

Биржа савдоларни ўтказиш билан бир қаторда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича ишларни олиб бормоқда. Масалан, Хитой тадбиркорлари билан алоқалар мустаҳкамланмоқда. Сентябрнинг охирги кунида биржа ва аукцион савдо марказида ХХРда ишлаб чиқариладиган чой навлари тақдимоти бўлиб ўтади. Унга мамлакатимиз бизнеси, вазирликлар ва идоралар вакиллари таклиф этилган.

(ЎзА)



ЭЛ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган кишилар юртимизда минглаб топилади. Шуларнинг бири Набижон Наимов бўлса, яна бири Дўстбобо Атоевдир. Улар ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, «Бекобод-Тошкент» йўналишида ҳаракатланувчи «ДЭУ» русумли автобусни бошқармоқда.

Суратларда: Н.Наимов (чапда) Д.Атоевлар



Акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк»нинг Жиззах вилоят бўлими томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

ТАДБИРКОРГА БАНК КРЕДИТИ

Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан 213 та хўжалик юритувчи субъектлар учун 572,9 миллион сўм қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилган ёрдам банкнинг Жиззах бўлимида 232,6 миллион, устама бўлимида 200,9 миллион, Дўстлик бўлимида 86,4 миллион, Ғаллаорол бўлимида 52,9 миллион сўмни ташкил этди. Шуниси характерлики, ажратилган кредит маблағларининг асосий қисми ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Жойларда 2000 га яқин иш ўрни яратишга эришилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРИ ЯПОНИЯДА

Пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти(ЖЕТРО)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан семинар ўтказилди. Унда мамлакатимиздан Японияга озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Ваколатхона Япония инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш билан бирга, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакасини ошириш, келгусида уларнинг Японияда ўтказиладиган ЖЕТРОнинг ўқув дастурларидаги иштироки ҳам кўзда тутилган.

Анжуманда сўзга чиққан япониялик мутахассислар Ўзбекистон озиқ-овқатлари, уларнинг сифати, турли витаминларга бойлиги ҳақида гапириб, маҳсулотларнинг япон халқига албатта манзур бўлишини таъкидлашди. Японияда озиқ-овқатларнинг кўпгина қисми мунтазам равишда чет давлатлардан келтирилади. Шунинг учун маҳсулотларнинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатга келтириладиган маҳсулотлар бир неча маротаба текширувдан ўтказилади. Табиийки, бу маҳаллий аҳоли саломатлигини асраш борасидаги чора-тадбирлардан биридир. Икки мамлакатни ажратиб турган олти минг километрлик масофадан озиқ-овқатларни тез ва сифатли етказиш чоралари ишлаб чиқилиши билан экспорт қилиш ишлари бошлаб юборилади.

ЯНГИ КИТОБ ДЎКОНИ

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида республика "Маънавият ва маърифат" маркази ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида икки қаватли китоб дўкони фойдаланишга топширилди.

Яккабоғлик китобсеварлар китоб харид қилиш учун қўшни туманларга қараб йўл олишарди. Чунки, мазкур туманда бирорта ҳам китоб дўкони йўқ эди. Юксак маънавиятли инсонни шакллантириш, ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишишида китобнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Ана шуни ҳисобга олиб туман ҳокимлиги ва республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида китобсеварлар учун икки қаватли китоб дўкони қурилиб фойдаланишга топширилди.

Китоб дўконига Республика "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан илмий-оммабоп ва бадиий адабиётлар совға қилинди. Савдо масканида "Энг янги китоблар" бадиий адабиётлар, мактаб дарсликлари бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Китоб нур, у киши қалбига мунавварлик, юртга садоқат, вафодорлик, ҳаётга муҳаббат каби туйғуларни олиб киради. Китобга ошно бўлган кўнгилда эзгулик, нафосат гўзаллик барқарор бўлади. Ахир бежиз китобни офтобга менгзашмаган. Мазкур китоб дўконининг ишга туширилиши яккабоғликларни зиё нуридан баҳраманд бўлишдек бахтга сазовор этди.

"Туркистон-пресс"

Гиёҳвандлик – иллат

Ҳовлининг сал кам 4 сотих жойида кичкина дарахтдай бўлиб ўсиб ётган бегона ўтнинг наша эканлигини билганида, Жонгил ая уларга ўт қўйган бўларди. Эътиборсизлиги, лоқайдлиги курсин, бирон маротаба ўғлидан бу нима болам деб сўраб ҳам кўрмабди. Фақат милиция ходимлари бу хашакни наша, деб айтганидан сўнг...

ҲОВЛИДАГИ ЗАҲАР ДАРАХТИ

Арақдан юз грамм ичиб олган сичқон кўкрагига уриб, олиб кел мушугингни деган экан. Муродулла ҳам дўкондан уч юз грамм ароқ ичиб чиққач, илҳоми жўшиб кетиб йўлдан ўтаётган қизларга тегажоқлик қилди. Ҳатто ёнига келиб тўхтаган енгил машинани ҳам сезмай қолди. Жаҳл устида «Ҳой сан нимага бу ерда тўхтайсан, сал нарида тўхтасанг ўласанми», деб юборди.

Машина ичидаги йигитлар, биз қидирган одамимизни топдик шекилли, деб ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишди. Муродилланинг ранги қути ўчиб кетди. Уни ароқ ичгани ёки уларни ҳақоратлагани ҳам эмас, балки чўнтагидаги наша кўпроқ ташвишга солаётганди.

Кайфидан асар ҳам қолмаганди. Ҳушёр тортган Муродилла аввалига орган ходимларини чалғитишга уринди. Буни бозордан номаълум одамдан сотиб олдим, уни танимайман деб туриб олди. Аммо ички ишлар ходимлари унинг эртагига ишонмади.

Ниҳоят олиб борилган тезкор тадбирлардан сўнг у гиёҳванд моддасини ҳамқишлоғи Ғузор тумани Қовчин қишлоғида яшовчи Ш.Тошмуродовдан олганлигини айтди. Унинг уйи тинтув қилинганида 32 дона гугурт қутисига ва иккита халтачага солинган жами оғирлиги 5,5 килограммга яқин гиёҳванд моддаси сомонхонасидан топилди.

Шермат Тошмуродов ховлига етти туп гиёҳванд моддасини эккандим. Уни сотиш мақсадида йиғиштириб иккита халтача ва гугурт қутичаларга жойлаб қўйдим. Элмуродга нашанинг ҳар бир қутисини уч минг сўмга сотдим. Қилган ишимдан пушаймонман ва бошқа бундай жиноят билан шуғулланмайман», дея кўрсатма берди.

Тавба қилиш яхши. Аммо айбнинг кечириладигани бор, кечирилмайдигани бор. Матбуот ва телевидение орқали олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан, бировларни заҳарлаб бўлсада, енгил пул топиш мақсадида, жиноятларни содир этган Шермат Тошмуродовнинг тавба тазаррусига ишониб бўлармиди? Онаси Жонгил Анорова эса ўз тушунтириш хатида «мен нашани биринчи маротаба кўришим. Буни ўғлим ховлига эккандан хабарим йўқ. Милиция ходимлари айтганидан сўнггина бундан хабар топдим, олдин билганимда эктирмасдим» - деб ёзади.

Майли онанинг сўзларига ишондик ҳам дейлик, алдаётган бўлса бу унинг виждонига ҳавола. Аммо бизни ажаблантирган жиҳати шуки, наҳотки аёл ҳовлисининг сал кам тўрт сотих жойида дарахтдай бўлиб ўсиб ётган бу ўсимликнинг нима эканлигини бирон маротаба сўраб кўрмаган бўлса... Шу боис, онанинг ўғли учун ачинаётганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Суд томонидан ҳар иккала жиноятчи ҳам қилмиши учун тегишли жазосини олди. Шу ўринда бир нарсага хурсанд бўламиз. Муродулланинг «Бу гиёҳванд моддани бозордан нотаниш кишидан олдим» деган сўзларига ишонганимизда Шермат Тошмуродов ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, яна қанча фуқароларни заҳарлаган бўларди.

Хуллас, Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни фош этиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда уч нафар опа-сингилнинг ҳам юқоридагидай жирканч қилмиши фош этилди.

Ғафур ЙЎЛДОШЕВ,
Қарши шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги,
Шуҳрат РЎЗИЕВ,
журналист

ДАЛА ҚЎШИҚЧИСИ

Очерк

«Сиз пахтаси лўппи бўлиб очилган бешчаноқни қўлингизга олиб ҳеч томоша қилганмисиз? Сўнг димоғингизга тутиб ҳидлаганмисиз? Тотли исидан ҳузурланиб вужудингиз яйрагандир?! Қизалоқлик кезларимда, отам ишлаётган пахтазорга бориб, биринчи бор бешчаноқни қўлимга олганимда мен худди шундай ҳолга тушгандим. Илк маротаба кўзинг тушсаю юрагинг «жиз» этса, бир умр шунга боғланиб қоласан, деганлари рост экан. Менинг пахтазорга боғланиб қолишимга аслида ўша оддий бешчаноқ сабаб бўлганди...»

(Дўстлик туманидаги «Далливой ота» фермер хўжалигининг бошлиғи Зулайҳо Даллиева суҳбатидан)

Биз йилларнинг тез ўтаётганидан кўпинча куюнамиз. Назаримда умримиз ҳам дарров илгарилаб кетгандек туюлади. Аслида эса ортимизда қолган йилларнинг хосияти бор. Негаки, биз ана шу йиллар ичида улғайдик, ўзимизни танидик, тафаккуримиз чуқурлашиб, ҳаётга ва одамларга муносабатимиз ўзгарди. Нимагаки эришсак, ана шу йиллар давомида эришдик. Ишда ўзимизни кўрсатдик. Бой тажриба тўпладик!

Шу боис Зулайҳо гоҳида умр йўлига назар ташласа, тақдирида катта бурилишлар ясаб ўтган йилларидан рози бўлади.

- Асли андижонликман, бу ёқларга келиб қолишимнинг ўз тарихи, сабаблари бор, - дейди у. - Онам Анорхон болалар уйида ўсган экан. Улғайгач, чўлқувар ёшлар билан Сирдарёга ишга келган. Шу ерда отам билан танишган. Иккиси тўйдан сўнг яна Андижон томон отланганлар. Йиллар ўтиб мен Сирдарёга келиб бўлиб узатилдим...

Зулайҳонинг чин бахти, ҳавас қилгулик тақдири ўша йилларда бошланганди, аслида. Эсида, келинлик чоғларида уйларига бир меҳмон ташриф буюради. У умр йўлдошининг болалик дўсти, айни чоғда Жиззахнинг Дўстлик туманида яшар экан. Дастурхон устида суҳбат қуюқ бўлди. Шунда меҳмон уларга ўзи ҳақида гапириб берди. «Чўлни ўзлаштираяпмиз, деҳқончилик қиламиз, яхши маош тўлашади, томорқага ер ҳам беришган, уй-жойимиз бадастир» дейди у. Сўнг у ёқларда ер кўп, бироқ ишловчилар кам эканлигини айтади. Ўртоғини оиласи билан Дўстликка кўчиб боришга кўндиради...

Орадан икки ё уч йиллар ўтиб, улар Жиззах томон йўл солишди. Дўстлик туманидаги Саркисов номли жамоа хўжалигида иш бошлашди. Зулайҳо дастлаб далада ишловчилар учун шийпонда овқат тайёрлаб юрди. Хўжалик раиси бу жойга тез-тез келиб турарди. У Зулайҳонинг ғайратини пайқадими ё асл деҳқон қизи эканини сездими, бир куни «Қизим, сенга бу ерда овқат пишириб юриш ярашмайди. Далага чиқ, ер бераман, ҳозир айни кўклам, деҳқончиликни бошлайсан!» деди.

Ўшанда уч фарзандим ҳам ҳали гўдак эди, - дея суҳбатни давом эттиради Зулайҳо. - Шундай бўлсада, кечки овқат маҳалида уйдагиларга раиснинг гапини айтдим. Қайнонам дарров «Келин, майли далага чиқинг, болаларингизга ўзим қарайман» деди. Эртасигаёқ раисга бориб учрашдим. Менга 67 гектар ер беришди. Ишни бошлаб юбордим...

...Лекин, ўша йили Зулайҳо қийналгандан қийналди. Ҳали тажрибаси оз, иш юритишни яхши билмас, одамлар билан тил топишолмай хуноб бўлар, бунинг устига уйдаги гўдакларидан хавотир олаверарди. Худди шу кезларда кутилмаганда сел келиб, пахта майдонларини ювиб кетди. Эндигина иккиқулоқ бўлиб чиққан ниҳоллар офатга учради. Чигитни қайта экиш, баъзи майдонларни қатқалоқдан юмшатиш юмушлари қизиб кетди. Шу ташвишлар сабаб бўлиб, Зулайҳо бригадирлик масъулиятини тушуниб етди. Кўпга бош бўлиш қийин экан! Буни уддалаш учун аввало одамларнинг кўнглига йўл топиш, уларнинг бирини ака, бирини ука, яна бирларини опам, синглим, деб, барчасига бирдай қайишиш керак бўларкан. Зулайҳо далада ишловчилар билан яхши муносабат ўрнатмасдан туриб, ҳеч нарсага эришолмаслигини англади...

- Ўша йилларда мен одамларга, одамлар эса менга яқин бўлишди, биргалашиб табиий қийинчиликларни енгдик, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, йиллик режани беш йил давомида қаторасига уддаладик, - дейди яна Зулайҳо. - Кейин пахтачилик звеносига пудратчи бўлиб ўтдим. Мустақил иш юритишга ўргандим. Ер илмини эгаллай бордим. Шунинг учунми... фермер хўжалигини ташкил этиш мен учун қийин бўлмади!

Бир ҳикмат бор:

Туядан сўрашибди:

- Тепаликка чиқиш қийинми ё тушиш?

«Иккаласи ҳам қуриб кетсин!» дебди туя.

Ҳа, баланд довон сари кўтарилмоқ машаққат. Бироқ, кўтарилгандан сўнг яна ортга қайтиш - эришилган ютуқларни бой бермоқ билан баробар. Демак, фақат илгарилаш керак! Умидли инсон борки, катта довонни забт этсин, маррадаги байроқни олсину, олдирмасин! Зулайҳо фермер хўжалигини бошқара бошлагач, ана шундай ниятни дилига жо этди. Айниқса, фермер хўжалигини «Далливой ота» деб номлаганидан сўнг, нияти улкан мақсад билан муштарак бўлди. Ахир, қайнотаси Далливой ота катта деҳқон, бир неча минг гектарлаб ерга хўжайин, ўзи ҳам анча бадавлат киши бўлган экан. Уни орқаворотдан «Меҳнат ортидан бойиган одам» дея ҳавас билан гапиришаркан. Бир умр ҳалол яшаган бу одамнинг тақдири фақат ер, меҳнат билан боғлиқ кечган...

«Далливой ота» фермер хўжалигида давлатга пахта, ғалла, пилла сотишнинг шартномавий режалари ҳар йили уддаланади. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Ўғиллар, қиз-куёвлар, бошқа ишчилар жону дил билан меҳнат қилишади. Техника гуриллаб ишлаб турибди. Яқинда жамоа хўжалигидаги 8 нафар фермер ўзаро келишишиб, битта «Алтай» трактори сотиб олишди. Бу эса ишни янада осонлаштирди. Зулайҳо ён-атрофидаги «Анвар», «Жаҳонгир» фермер хўжаликлари бошлиқлари билан суҳбатлашиб қолса, улардан маслаҳат сўрайди, иш тажрибаларидан ўрганади. Ахир, йил сайин унинг зиммасидаги вазифалар салмоғи ошмоқда. Ҳали ер майдонларини кенгайтириш, бир нечта шахсий техникалар сотиб олиши керак. Шунингдек, «Зафар» ширкати раислигиниям уддаламоғи лозим. Бу ширкатда 7 нафар фермер бор, уларнинг иши, режаларини Зулайҳонинг ўзи назорат қилиб боради. Елкасида депутатлик юки ҳам бор. Ўтган йиллар ичида кўприк қурилишига бош-қош бўлди, одамларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун елиб-югурди. Мавсум тиғизлашган кезларда дала кезди, ҳосилни тезроқ йиғиштириш пайида юрди...

Зулайҳо бундан икки йил аввал «Мустақилликнинг ўн йиллиги» нишони билан тақдирланди. Унинг ўшандаги қувончини кўрсангиз! Қилинган меҳнат борки, албатта ўз самарасини бераркан! Истиқлолнинг катта имконлари фақат ишлашга, ижод қилишга, ташаббуслар кўрсатишга чоғлайди кишини. Ҳозирги кунда истаган одам тезда бойийди, обрў орттиради. Масалан, Зулайҳо ҳар йили ўн миллион сўмга яқин даромад қилади. Йиғилган маблағни хайрли юмушларга сарфлайди.

Бу оилада фарзандлар меҳнатсевар, одобли бўлиб улғайишди. Исломжон, Илҳомжон, Гулчеҳра - ҳаммалари далада. Хонадон бошлиғи Умаржон аканинг ҳам деҳқончилик соҳасида анчагина тажрибаси бор. Зулайҳо бу одам ҳақида сўзласа, «Биз оилада ҳам, ишда ҳам бир-биримизга маслаҳатдошмиз» дейди. Мен секин атрофга разм соламан. Пахтазор тепасида офтоб чарақлайди. Яшил кўсаклар шу нурни эмиб, бешчаноқ бўлиб очила бошлайди. Сўнг атрофга ширин бир ис таралади. Пахта ҳиди! Кўзларга, кўнгилларга яқин - бешчаноқ ҳиди...

Зулайҳонинг кўнглига хуш ёқадиган, унинг чарчоқларини кетказадиган бу манзаралар энди менинг ҳам кўзларимга қадрдон бўлиб кўринади. Беихтиёр хаёлимда чиройли ўхшатишлар бирма-бир саф тортади.

«Пахтазор - табиатнинг кўркам санъати. Бошоқзор - қуёшнинг бир бўлаги. Зулайҳо эса мана шу далалар қушиқчиси!» дейман. Қаршимдаги аёл менинг сўзларимни эшитиб жилмаяди. Ўйлайман. Балки у шу қадрдон экинзорлари учун янада гўзалроқ ташбехлар топиб қўйгандир?! У бешчаноқни нимага қиёсларкин? Мен буни Зулайҳодан сўрагим келди. Лекин индамадим. Сабаби... Инсон ўз юрагини «жиз» эттирган неки бор, уни нима учун ва қандай яхши кўришини ҳеч вақт сўз билан айтиб беролмайди. Бундай муҳаббатни фақат ҳис қилиш мумкин, холос.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Қизилтепа туманидаги «Анор» йўл патрул хизмати масканида транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ердан қўшни Бухоро вилояти, Туркманистон республикаси ва Эрон, Туркия каби хориж давлатлар автоуловлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларига йўл олади. Уларни ўз манзилларига омон-эсон етиб олишида ҳамиша хушёр ва сергак нозирларнинг хизмати катта.

Суратда: ЙПХ иш фаолиятидан лавҳа.

Р.РАУПОВ олган сурат

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Бекобод туман халқ таълими бўлимига қарашли бўлган мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатидаги 11 йиллик иш фаолиятимни ҳисобга олмасдан мени имтиёзли нафақага чиқаришмади. Шу тўғрими?

А.ШЕРИЕВ, Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати»да ўқув ишлаб чиқариш комбинати қайд этилмаган. Шунинг учун, Сизнинг имтиёзли пенсияга чиқишингизда ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлаган 11 йиллик меҳнат фаолиятингиз ҳисобга олинмайди.

МАВСУМГА ШАЙ ҚИЛИНДИ

Жондор туманидаги пахта тозалаш заводида янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик юмушлари ниҳоясига етказилди. Жорий йилда туманда 17 минг гектар ерга пахта экилган бўлиб, жами 47,5 минг тонна ҳосил йиғиб олиш кўзда тутилмоқда.

- Мавжуд 35 та қуритиш ускуналари, 14 та транспортер, тарози ва технологик қурилмалар сифатли таъмирдан чиқарилди, - деди корохона бош муҳандиси Розиқ Тўхтамишев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Шу боис жорий йилда туманда етиштирилган барча ҳосилни заводимизда қайта ишлашни мўлжаллаяпмиз. Тайёрланган маҳсулот Италия, Швейцария, Белгия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинади.

"Туркистон-пресс"

Олов — ёв!

ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Мана ёзнинг иссиқ кунлари ҳам ўтиб куз кириб келди. Иссиқ тафти қайтиб, ҳаво бироз салқинлаша бошлади. Бу қишнинг эртанги совуқ, аёзли кунлари яқинлашаётганидан даракдир. Табиийки, бу мавсумда ёнғин келиб чиқиш хавфи бир мунча ошади. Чунки кишилар совуқни бартараф этиш учун уйларида турли иситиш мосламаларидан фойдалана бошлашади. Уларни ишлатишда эътиборсизликка йўл қўйиш ва ёнғин хавфсизлик қоидаларини унутиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ёнғин ҳодисалари содир бўлиши натижасида фуқароларнинг турли даражадаги моддий йўқотишлари кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Энг ачинарлиси, фалокатнинг инсон ҳаётига зомин бўлишини ҳеч бир моддий бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

Бунинг учун фалокатга нисбатан ҳар вақт ҳушёр ва эътиборли бўлиш талаб қилинади. Сергаклик эса баъзи бир эҳтиёт чораларини амалга оширишдан иборатдир. Хусусан, электр ва газ иситиш асбобларидан фойдаланиш вақтида ёнғин хавфсизлик қоидасига риоя қилиш ва қаровсиз қолдирмаслик, ювилган кийимларни қуритиш учун очиқ алангага яқин жойга осмаслик ҳамда дудбуронлардан ёнғин чиқмаслиги учун уни ўз вақтида тозалаб туриш ҳеч вақт эсдан чиқмаслиги лозим. Бундан ташқари, ёш болаларни уйда ёлғиз ва қаровсиз қолдириш ҳам ёнғин хавфини туғдириши мумкин. Қачонки, биз мазкур қоидаларга амал қилиб яшасак, фалокатни ўзимиздан узоқлаштирган бўламиз.

Жалол АСҚАРОВ, Миробод туман ёнғин хавфсизлиги бўлими нозири, ички хизмат майори

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

АҚШДА ЎҚИГАН ҚИЗ

Ўшанда уйим эшиги қулфини очаётсам, зинадан кўтарилган ва асло маҳаллий кишиларга ўхшамаган, кийимлари ҳам чинакамига европаликни эслатувчи одам ўзбекча талаффузда салом берди-да, қаршимдаги иккинчи эшикка калит солди. Аввалига кўнглимга ҳар хил фикр келди. Чунки қўшним бир йилча олдин ҳовли олиб кўчиб кетган, аммо хонадонини энг замонавий янгиликлар асосида таъмирлашдан чиқарган эди. Демак, ижарага қўйибди, деган хулосага келдим. Кейин билсам, Жорж Жеймс исм-шарифли янги қўшним ўзбекчасига саломлашишнигина билар экан. Мен ҳам ўзимча инглизчадан ўзлаштирган ўн-ўн бешта сўзни ишга солиб, қўшничилик қилиб юрдик. Бу соҳа мутахассиси ҳисобланган қизим Зилола келган маҳалида Жоржни чойга таклиф қилдим. Унинг озиқ-овқат технологияси бўйича олим эканлигидан, Наманганда ташкил этилган қўшма корхоналардан бирига илмий сафарга келганлигидан, Лондон шаҳридан эканлигидан хабар топдим.

Иттифоқо, бир гал шаҳримиздаги муҳандислик-иқтисодиёт институтига йўлим тушганида, Жорж Жеймсни ўша ерда учратиб қолдим. Ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қизча билан нима ҳақдадир қизғин суҳбатлашиб туришган экан. Қўшниларга хос қизғин сўрашдик (албатта, ҳалиги қизча тилмочлиги ёрдамида). Маълум бўлишича, институт маъмурияти таклифига кўра қўшним бу ерда талабаларга бир мунча вақт лекция ўқишга таклиф этилган экан. Муҳайё Бойназарова билан танишганимиз шундай бошланган эди.

Ҳали ўқувчи қизнинг инглиз тилини ҳозирдан шунчалик пухта ўзлаштирганлиги боиси билан қизиқиб қолдим. Муҳайё асли Поп туманидан экан. Туманидаги 29-мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда инглиз тили дарсларини пухта ўзлаштириши, бу тилга алоҳида иштиёқи ва қобилияти билан кўпчилик эътиборини тортибди. Вазмин табиатли, зеҳндор, тиришқоқ ва абжир қиз саккизинчи синфни тамомлагач, юқорида номи тилга олинган олийгоҳ қошидаги иқтидорли болалар интернат-лицейига имтиҳон топширибди. Мактабда яхши ўқиганлиги, фанларни пухта ўзлаштирганлиги бу ерда қўл келди. Тез орада лицейнинг аъло ўқувчилари қаторида жой олди ва фан олимпиадаларига фаол қатнаша бошлади. 2001 йилда халқаро «ACCELS» жамғармаси уюштирган иқтидорли ўқувчилар танловида ғолиб, деб топилиб АҚШнинг Миссури штатидаги хусусий мактаблардан бирида таҳсил олиш имкониятини қўлга киритди. У ерда Жорж ва Темми Хольтонлар оиласида яшади.

– Америкаликлар ҳам худди бизнинг ўзбеклар сингари меҳмондўст, оқ кўнгил, бағри кенг кишилар бўлишаркан, – дейди Муҳайё, – четдан келган кишиларни жуда эъзозлаб ҳурмат қилишаркан. Айниқса, ўзим истиқомат қилган Хольтонлар оиласининг менга кўрсатган ҳурмат-эътиборини, меҳрибончилигини ифодалашга сўз тополмайман. Менга худди ўз фарзандларидек муносабатда бўлишди. Ўқиб билим эгаллашлигим учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароит яратиб беришди. Мактабдаги ўқувчилар билан жуда аҳил, иноқ бўлиб кетдик. Айниқса, болаларнинг ўзлари ёқтирган фан бўйича изланишлари, бу борада уларга яратиб берилган имкониятларни ҳавас қилса арзийди. Ўқув хонасидаги дарс машғулотлари ўқитувчи томонидан компьютер ва интернет тармоғи орқали мукаммал даражадаги техника воситалари ёрдамида қизиқарли ва жонли ўтилади.

М.Бойназарованинг бугунги кундаги ўқишлари билан қизиқдим. Барча фанлардан фақат аъло баҳоларга ўқир экан. Муҳайё лицейни битиргач, Англиянинг нуфузли ўқув юртларидан бирида таълим олишни режалаштираётганини айтишди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: ходимни бошқа доимий ишга ўтказишнинг тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз.

– Иш берувчи ходимни интизомий жазо тарикасида бошқа доимий ишга ўтказиши мумкинми?

Ноконуний бошқа ишга ўтказилган ходимнинг аризаси қайси органлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин?

Н.ҲАСАНОВ, Сурхондарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 73-,75-моддаларига асосан шахс ишга қабул қилинаётганда у билан ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси тузилади ва унда шахс ва иш берувчининг ўзаро келишуви асосида қуйидагилар белгиланиши зарур:

– иш жойи, яъни муассаса ёки унинг бўлинмаси;

– ходимнинг меҳнат вазифаси – мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозими;

– ишнинг бошланиш куни;

– меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;

– меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари;

Меҳнат шартномасида юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро келишиб олинган экан, бу шартларни ходим ёки иш берувчи томонидан бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат Кодексининг 92-моддасига асосан ходимни бошқа доимий ишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишларни топширишга фақат унинг ёзма равишдаги розилиги билан йўл қўйилади. Ходимнинг ёзма равишдаги розилиги ариза шаклида бўлиши ёки буйруқ лойиҳасидаги «розиман» деб ёзиб, чеккан имзоси бўлиши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 181-моддасига мувофиқ ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи Меҳнат Кодексининг 182-модда талабларини бажарган ҳолда қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима.

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан соҳа вакилларини иштимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, вилоятдаги мавжуд 86 та давлат тасарруфида бўлган соғлиқни сақлаш муассасаси, 7 та хусусий шифохонада маъмуриятлар ва касаба уюшмалари ўртасида жамоа шартномалари тузишга эришилган. Ана шу муҳим меъёрий ҳужжат асосида ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатлари етарли ҳимоя қилинмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш Меҳнат Кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилиши зарур.

3) охирги чора – бу меҳнат шартномасини бекор қилиш (МКнинг 100-модда, иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Иш берувчи томонидан ходимга Меҳнат Кодексининг 181-моддасида кўрсатилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш умуман тақиқланади.

Шундай экан, ходимни интизомий жазо сифатида бошқа доимий (ҳатто муддатли) ишга ўтказиб бўлмайди.

Агар ходим қонунбузарчилик асосида бошқа ишга ўтказилган бўлса, унинг аризасига мувофиқ у ўз вазифасига тикланиши шарт. Бу вақтда ходимнинг аризаси Меҳнат Кодексининг 9,111-моддаларига асосан касаба уюшмалари ва иш берувчи томонидан кўриб чиқилади. Меҳнат Кодексининг 270-моддасига мувофиқ ходим меҳнат низолари комиссиясига ёки судга ҳам мурожаат қилишга ҳақли. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга биноан ҳар бир фуқаро давлат органларига аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Амалиётда Меҳнат Кодексининг 92 ва 181-моддаларининг талабларига амал қилмаган ҳолда ходимни иш берувчи томонидан бошқа ишга ўтказиш ҳоллари учраб турадими, деган ҳақли савол берилиши мумкин.

Ҳа, бундай ҳоллар учраб туради. Биргина мисол: Х.Қораева Қашқадарё вилоят Қамаши туман марказий шифохонасига 1977 йилнинг 10 августида чақалоқлар бўлимига врач-педиатор лавозимига ишга қабул қилинган. У бош врач А.Ғафуровнинг 2003 йил 15 июлида чиқарган 159-сон буйруғи билан интизомий жазо сифатида болалар поликлиникасига участка врач-педиатор вазифасига доимий ишга ўтказилган.

Х.Қораева Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва Қашқадарё вилоят касаба уюшма қўмитасининг аралашуви билан ўз вазифасига қайта тикланди.

Бундай қонунбузарчиликнинг асосий сабаби муассасаларда ҳуқуқшуносларнинг йўқлиги, иш берувчининг меҳнат қонунчилигини яхши билмаслиги ҳамда юқори хўжалик органлари томонидан меҳнат қонунчилиги масалаларни бўйича иш берувчиларни билимларини ошириш учун ҳеч қандай чоралар кўрмаслиги ва қонунчиликка риоя қилиниши доимий назорат қилиб борилмаслигидадир.

Солиқлар – иқтисодиётимиз таянчи. Шу боис соҳа вакиллари тушумларнинг давлат хазинасига ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш борасида жойларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бунда солиқ таянч пункти қошида ташкил этилган маслаҳат марказлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суратда: Мирзо Улуғбек туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Мавлон Тўлаганов ва Улуғбек Холиқовлар тадбиркорга меъёрий ҳужжат хусусида тушунча бермоқда.

Ғ.ХИДИРОВ олган сурат

МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг навбатдаги гуруҳи техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури - ITEC доирасида малака ошириш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди.

- Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисоди асосларини мустаҳкамлашга каратилган жадал ўзгаришлар рўй бермоқда,- деб таъкидлади Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси иккинчи котиби жаноб Маниш. - ITEC доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мақсадимиз инсон ресурсларини ривожлантириш орқали бу ишга кўмаклашишдир. Жумладан, ҳозиргача 650 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис телекоммуникация, менежмент, туризм, фармацевтика, дипломатия, кичик ва ўрта бизнес, юқори ахборот технологиялари, молия, журналистика, тўқимачилик саноати каби муҳим йўналишларда ўқитилди. ITEC доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сўнгги йилларда анча кенгайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур дастур Ҳиндистон томонидан 1964 йилдан буён 144 мамлакатда амалга оширилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик 1993 йилда бошланган бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

(ЎзА)

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ

бир йўла учта олий ўқув юртида ташкил этилди

Мамлакатимиз Олий ўқув юртларида математика ва информатика фанларини ўқитишни янада яхшилаш таълим олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланган. Шу масала навбатдаги республика илмий-амалий видеоконференцияда кўриб чиқилди.

Бу анжуман бир вақтнинг ўзида Тошкент давлат педагогика, Бухоро давлат ҳамда Гулистон давлат университетларида ўтказилди. Таълим жараёнида юзага келган бундай ахборот технологиясида уюштирила бошланган тўғридан-тўғри эфир кўрсатуви бир йўла учта олий ўқув юртида илк бор ташкил этилди.

Кун тартибидаги масаланинг кўп жиҳатлари ҳам ёритилади.

Эфир орқали бевосита намойиш қилинган бу кўрсатув талабаларда катта таассурот қолдирди.

Тўй болам,
Қоқиндиқ,
Бувинг
айлансин,
Данагимдан
чиққан
Тўқ мағизгинам!

Юрагингга эзгу
ҳислар
жойлансин
Элнинг мард
ўғлони
Бўлиб юр сен
ҳам...

Ғулом ХИДИРОВ олган сурат

ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР

Ўзбекистон бадиий академиясининг республика санъатшунослик илмий текшириш институти ўзинг 75 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрмоқда. Шу сана олдидан уюштирилаётган илмий ва маданий тадбирлар ҳам жойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ташкил этилган илмий экспедициялар ҳам қутилган натижасини берди. Ўзбекистон санъатшунослиги, археологик ва Бойсун илмий экспедициялари ҳам институтда тадқиқотлар олиб бориш қўламини кенгайтириш учун бой материаллар беради.

Шу қутлуғ санага бағишлаб уюштириладиган ёш санъатшунос олимлар республика конференциясига ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари «Ўзбекистон: аҳоли жойланиши маданияти фалсафаси» деган мавзуда ҳам анжуман ўтказиш кўзда тутилди.

Наманганда от спорти бўйича Жаҳон кубогининг учинчи босқичи якунланди. Унда Марказий Осиё лигаси аъзолари - Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон спортчилари иштирок этди.

ЖАҲОН КУБОГИ ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН

Минтақавий мусобақаларнинг аввалги икки босқичи шу йилнинг май-июн ойларида Қирғизистон ва Қозоғистонда ўтказилиб, уларнинг натижаларига кўра қозоғистонлик Александр Тишков ва ўзбекистонлик Ғайрат Назаров пешқадамлик қилиб келаётган эди. Учинчи, якуний босқич иштирокчиларини Наманган қабул қилди. Уч кун давомида Давлатобод тумани отчопарида 31 нафар қатнашчи от спортининг икки тури бўйича баҳс олиб борди.

Уч босқич натижаларига кўра биринчи ўрин ва Жаҳон кубогига йўлланмани мусобақа мезбонлари - Ўзбекистон спортчилари қўлга киритди. Тўрт спортчимиз - Ғайрат Назаров, Иброҳим Йўлдошев, Сергей Шмелев ва Азиз Содиқов келгуси йили Жаҳон кубоги учун курашади.

Иккинчи ва учинчи ўринларни Қозоғистон ва Қирғизистон спортчилари эгаллади. Шахсий биринчиликда тошкентлик Ғайрат Назаров гран-прини қўлга киритди.

(ЎзА)

Орамиздаги одамлар

ЮЗ ЯШАР МУАЛЛИМ!

Умрининг қарийб 80 йилини ёш авлод тарбиясига бағишлаган Отажон Каримов педагогик фаолиятини 1924 йилнинг 1 августида «Сахтиён» овулидаги бир бойнинг уйида очилган мактабда бошлаган эди. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Ундан тахсил олиб, савод чиқарган ўқувчиларининг олди саксон ёшдан ошди.

Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги «Сарибий» овулида Отажон бува Каримов номини барча чуқур ҳурмат билан тилга олади.

Бу инсоннинг умри, у босиб ўтган шарафли йўл кўпчиликка ибрат бўлса арзигулик. Юз билан юзлашган Отажон бува ҳамон ҳамкасблари билан бир сафда - овул мактабида ўқитувчилик қилади.

Ишонаверинг, бу гаплар муболаға эмас. У, чиндан ҳам, Элликқалъа туманининг Й.Қурбонов номидаги мактабда ўқувчиларга сабоқ беради.

Отажон бува умр йўлдоши, раҳматлик Ҳанифа момо билан етти фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Тўнғич ўғли Боғибек фан номзоди, Тошкент автомобил йўллари институтида ишлайди.

- Истиқлолга етказгани учун, шу ёруғ кунларни кўриш насиб этгани учун яратганга шукурлар бўлсин, - дейди нуроний муаллим. - Шу буюк неъмат туфайли қадриятларимиз қайта тикланди, маънавиятимиз юксалмоқда. Бугунги авлодга ота-боболаримизнинг бой меросини ўрганиш насиб этганидан хурсандман. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдорлигимиз чексиз.

Асрга тенгдош Отажон бува Каримовнинг 100 ёшлик тўйини мустақиллик байрами арафасида туман аҳли катта тантана қилди. Ҳамон йигитлардек тетик, бардам-бақувват устоз давра тўрини тўлдириб, шогирдлар эҳтиромини қабул қилди.

- Умр мазмунини ҳаракатда деб биламан, - дейди Отажон бува тетиклик сирини сўраганимизда. - Пиёда юришни одат қилганман. Илгари ҳар куни камида 10-15 чақирим яёв йўл босардим. Ҳозир ҳам кунига беш чақирим юришни канда қилмайман.

(ЎзА)

Шифокор бемор аёлнинг касаллик ҳолати билан танишиб бўлгач, АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси таркибида фаолият кўрсатувчи «Соурсеннет» жамияти томонидан аҳолига бепул тарқатиш учун тақдим этилган дорилардан бирини берди.

«СОУРСЕННЕТ» ПАХТАОБОД ҚИШЛОҒИДА

– Мана шу доридан бир кунда икки маҳал – эрталаб ва кечқурун ичиб турасиз. Дори тугагандан кейин келсангиз яна қон таҳлилига қараб бошқа зарур муолажа белгилаймиз.

Халқаро жамиятнинг Тошкент вилояти бўйича Ўрта Чирчиқ тумани Навоий номли ширкат хўжалигининг Пахтаобод маҳалласида жойлашган мазкур кундузги даволаш бўлимини танлагани бежиз эмас. Беш йил аввал фойдаланишга топширилган шифо маскани хўжаликдаги 5 та қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Беморлар учун барча шароитлар ва зарур тиббий ускуналар мавжуд.

1991 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш бўлимини тугатган Абдурасул Ақбердиев 10 йилдан буён қишлоқ шифохонасига бошчилик қилиб келмоқда. Бўлимда кундузги даволаш, физиотерапия, стоматология, аёллар маслаҳатхонаси, лаборатория хизмати яхши йўлга қўйилган.

Баъзан оғир хасталик ва жароҳатларга дучор бўлган беморларга жарроҳ, болалар шифокори, реаниматор сифатида биринчи ёрдам кўрсатишга тўғри келиб қолади. Бундай вақтларда шифокорнинг бутун фикру хаёли, барча хатти-ҳаракатлари одамлар ҳаётини сақлаб қолишга, хасталик азобларини енгиллатишга қаратилади.

Шу қишлоқда яшовчи пенсиядаги Насиба Йўлдошева, боғча тарбиячиси бўлиб ишлайдиган Робия Рустамова жонкуяр ҳокимларнинг ёрдами билан хасталикдан тез халос бўлаётганликлари туман марказига қатнаб, йўл юриш харажатлари, вақт йўқотиш каби оворагарчиликлардан халос бўлганликлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди.

– Айниқса, кундузги даволаш бўлими очилгани яхши бўлди, – дейди Абдурасул Ақбердиев. – Қишлоқ одамлари ичида «ўтиб кетади» деб хасталикни оёкда ўтказиш одатлари бор. Натижада кўп ҳолларда касалликдан асорат қолади. Бундай аҳволда даволаш жараёни ҳам оғир кечади. Шифо масканида ана шундай ҳолатларнинг олдини олишга етарли эътибор қаратилган. Ҳатто, диспансер ҳисобида турувчи беморлар сони ҳам камаймоқда. Шифокорлар ишини енгиллатишда беморларга тўғри ташҳис қўйиш бўйича америкалик ҳамкасбларнинг кўмаги катта бўляпти.

Асосий йўналиши аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган «Соурсеннет» жамияти томонидан шифохонада яратилган шароитлар яхши баҳоланди.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Аждодларимиз

Оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ўзида сақлаб қолган

ҲУКМДОР

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий ва адабий фаолияти чуқур зиддиятларга эга. Балки бунга у 12 ёшида Фарғона тахтига ўтирганда, темурийлар сулоласи инқирозга учраб, ҳар ерда очлик, ўлим, сотқинлик авжга минганлиги сабаб бўлгандир. Соҳибқирондан кейин парчаланиб кетган давлатни марказлаштириш учун Бобур қанча уринмасин, ҳаракатлари зое кетади.

Фикру хаёли Ўрта Осиёда йирик давлат тузиш бўлса-да, тақдир тақозоси билан «ҳинд сори» юзланган Бобур бу ерда ўзидан унутилмас из қолдирган. Атоқли давлат арбоби Жавоҳарлаъл Нерунинг таъкидлашича, Бобурийлар сулоласи 300 йилдан ортиқ умри давомида буюк империяни ташкил этиб, Акбаршоҳ даврида у энг юқори тараққиёт босқичига кўтарилди. 1857-59 йилларда Деҳлида инглиз мустамлакачиларига қарши кўтарилган «Сипоҳийлар» ўзларига бежизга Буюк Бобур империясини тиклашни шиор қилиб олмаган эдилар. Ҳатто ҳиндлар бобурийларнинг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳни символик доҳий деб эълон қилганлар.

Бобур Ҳиндистон билан Ўрта Осиё ва у орқали рус давлати билан яқиндан савдосотиқни йўлга қўйди. Жумладан, 1527 йилда Бобур ўз элчиси Ҳожа Ҳусайнни Россия ҳукумати билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва қардошлик ҳақида битим тузиб келиш учун Москвага юборади. Кейинчалик Волга бўйларида кўплаб ҳинд савдогарларининг муқим жойлашиб олишида ҳам Бобурнинг хизмати катта бўлди. Бобур Хожитархонда (Астрахан–М.Назаров) ҳинд карвонсаройларини бунёд этганлиги ва бунинг натижасида ҳинд усталари тўқимачилик ҳунари бўйича Москвага ишга таклиф қилинганликлари ҳақида ҳам аниқ маълумотлар бор.

Бобурнинг фикрий доираси жуда кенг, хотираси тенгсиз бўлган. Уни ер юзасидаги ҳеч нарса бефарқ қолдирмаган, ҳаётидаги барча ҳодиса ва соҳаларга ўзига хос ишқ билан қараган. Ҳатто ўқув ва ўқитув масалаларига ҳам фаол аралашиб, «Хатти Бобурий» деб аталган алифбе китобини яратди. У ўзбек адабиётини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг ижодиёти ҳудуди бағоят кенг ва хилма-хилдир. Этика, эстетика, маънавият, дин, ҳокимият ва фан масалалари буларнинг бари Бобур асарларининг хомаки кўринишидир.

Ижодда сунъий жимжимадорлик унга ёт эди. У ҳамма вақт ростгўйликка интилар эди. Ана шу талабга тўғри келмаган шахсларни қаттиқ танқид қилади. Султон Маҳмуд Мирзо ижоди ҳақида гапириб шундай дейди: «Таъби, назми бор эди, девон тартиб қилиб эди. Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондан айтмағон яхшироқдур». Бошқа бир ўринда эса Бобур Мир Сарбараҳна тўғрисида сўзлаб: «Амир Ҳамза қиссасининг муқобаласида умрни зое қилиб, узундан узоқ ёлғон қисса боғлабдур» деб киноя ва пичинг қилади. Шоирнинг бундай эстетик мулоҳазалари бадиий адабиётнинг ўсувига ижобий таъсир кўрсатган.

Бобурни шоҳ, шоир ва саркарда сифатида танитган нарса, унинг «Бобурнома»сидир. Инглиз шарқшуноси Элфинстон бу асар ҳақида шундай сўзларни айтган: «Бу мемуарда буюк турк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган. Унинг шахсий ҳис-туйғулари муболағасиз оддий ва мардона услубда баён қилинган. У ўз замондошларининг қиёфаларини жуда жонли ва образли чизади. Бу жиҳатдан уни Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунаси дейиш мумкин. Бобур ҳар бир одамнинг ташқи кўринишини, кийимини, таъбини, одатини ифода қилади ва мамлакатларни, шаҳар ва қишлоқларнинг иқлимини, ҳунарларини, табиатини, хўжалигини синчков тасвирлайди. Бироқ, асарга муаллифнинг ўз характери, овози энг кўп жозиба бахш этган».

Бобурда воқеликнинг тасвир этувчи воситалар ҳар хил. Масалан, шахсларнинг моҳиятини очишда аниқликка, ихчамликка интилган. Маълумки ҳинд диёрини обу ҳавосига чидаш, кўникиш учун кишида сабр, бардошдан ташқари, ирода ҳам зарур. Бобур бу юртни забт этгандан кейин бир қанча алзодалар Ҳиндистонни тарк этадилар. Шулар қатори Бобурнинг энг ишонган, суянган яқин кишиси Хожа Калон ҳам ҳиндан кетишни ихтиёр қилади. Шунда Бобур йиғлайди, бироқ шоҳ сифатида чидам билан тақдирга тан беради. Хожа Калон кетар пайтида ўзи яшаб турган иморатининг пештоқига катта қилиб:

«Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳи рўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам» –

деб ёзиб кетган бўлади. (яъни: Агар эсон-омон Синд дарёсидан ўтиб кетсам, Ҳиндустонни ҳавас қилсам юзим қаро бўлсин.) Бу ёзилган шеърий байтни ўқиган Бобур кейинчалик: «Ҳиндустонда яшаб туриб, бундоқ зарофатомуз байт айтмоқ бесуратдур» деб Хожага қаттиқ эътироз билдиргани эди. Шунга қарамай Бобур буюк империяни бошқаришга кучи етадиган қодир кучларни бу сеҳрли ўлкага даъват этишда давом этади.

Қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» китобида ёзилишича, Бобур 96 та темурийзода бегим ва хонумларни Ҳиндустонга чақириб, уларга ер, сув, маош «улуфо»ларини тайин қилган. Жумладан, бу ерга Султон Абу Саид Мирзонинг қизлари – Фақри Жаҳон бегим, Бадиъул Жамол бегим, Оқ бегим, Гавҳаршод бегим ва Ҳадича бегим; Мирзо Ҳайдар дўғлатнинг опаси – Хониш Бека Калон бегим; Султон Ҳусайннинг набиралари – Шод бегим; Музаффар Мирзонинг қизи Меҳрангиз бегим, Хожа Абдулло Марвариднинг қизи – Хоним оғача; амир Мўғулбекнинг оналари Нигор оғача; Миршоҳ Ҳусайннинг қизи – Асосбека ва бошқалар ўз эрлари ва болачақалари билан кўчиб келганлиги номба-ном саналади.

Бобур ўз насрий асарида эл ўртасида кенг ёйилиб кетган мақол ва ҳикматли сўзларни кўп ишлатади. Шу билан бирликда у моҳир ҳажвчи-юморист сифатида ҳам кўринади. Шуниси муҳимки, унинг ижодида ҳажв мавҳум эмас, балки аниқ, дағал эмас, майин, ҳаётий, қизиқ ва мўлжалга бехато бориб тегадигандир. Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Бобур Хисравшоҳ деган мустабид ҳукмдорни ёқтирмаганлигини қуйидагича ифода қилади: «...Юз минг лаънатдур, қиёматғачаким, ҳар ким Хисравшоҳнинг бу афъолини эшитса лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб, лаънат қилмоғон ҳам сазовори лаънат бўлсун. Хисравшоҳнинг навкарларидин биров бир кишининг хотунини тортиб элтар,унинг эри Хисравшоҳга келиб арз қилур, Хисравшоҳ жавоб берурким, неча йил сенинг била эди, неча кун анинг била бўлсин». Яна бир қизиқ мисол: «... Зуннун деган бир шахс шоҳмотга жуда қизиқар экан. Агар кишилар шоҳмотни бир қўл билан ўйнасалар, унинг икки қўли ҳам ўйнар эди, - дейди Бобур. - Мир Муртоз исмли бошқа бир одам ҳам шоҳмотга шу даражада қизиқар эканки, «...агар у икки муҳолиф билан учрашгудек бўлса, бири билан ўйнаб, иккинчисининг этагидан ушлаб турар экан».

Бобурномада ажойиб истиоралар, рамзлар, чоғиштириш, ўхшатиш каби бадиий воситалар кўп учрайди. Бунда унга ихчамлик, мўлжалнинг аниқлиги, тегишли умумлашмалар қилиш каби ҳолатлар ҳосдир. Биргина мисол: Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Баддиуззамон сиёсий тутруқсизлиги билан тарихдан маълум. У отасининг давлатини заифлаштириш, ҳокимиятни парчалаш, душманларга йўл очиб бериш йўлида хизмат қилган. Шундан ғазабланган Бобур Баддиуззамоннинг тескари гуруҳлар билан алоқадорлигини шама қилиб: «...Баддиуззаман Мирзо худ буларнинг қўлида хамир эди, уларнинг сўзларидин тажовуз қилолмас эди» дейди.

Кўриниб турибдики, бу ихчам парчада ички кечинма, ғазаб, дилнинг озор чекиши ва нафрат мавжуд. Шу кичик ахборот орқали Бобур давлат аҳамиятига эга бўлган сиёсий вазият сирларини очиб ташлайди. «Бобурнома»да муаллиф ажойиб портрет ва пейзаж ускаси сифатида ҳам кўзга ташланади. Масалан, унинг тасаввурича, унинг отаси Умаршайх шундай киши бўлган! «... Паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, қўба юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эрди, боғ боғлагандан сўнг, ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узилур эди». Бу портретда қаҳрамоннинг энг асосий ва қизиқарли томонлари жуда холис қамраб олинган.

Бобур Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғуллари хусусида гапириб шуларни ёзади: «...Охир оталиқ, ўғуллуқ орасида гуфтугўлар анга мунжар бўлдиким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига черик торттилар». Бобур Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғилларини ёнга олиб, Шайбонийхондек улкан ғаним устига юришни ўйламай, бирбирлари билан «қирпичоқ» бўлиб, ўз этларини еганлигини катта афсус билан эслайди.

Бобур бирон инсонга баҳо берганда унинг ижобий томонларини ҳам, салбий жиҳатларини ҳам бўяб бежамасдан холис баҳолайди. Буни Беҳзодга доир қуйидаги парчадан ҳам кўриш мумкин: «...Вале соқолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўб улуғ тортадур. Соқоллик кишини яхши, чеҳракушой қиладур».

Бобур ўз дунёқараши ва фаолиятидаги зиддиятлардан қатъи назар ижтимоий масалаларда ўз замонасининг илғор кишиси сифатида майдонга чиқади. Инсофсизлик, зўравонлик сиёсатини ёқтирмаган Бобур ўз тасарруфига киритилган ерларда холисликни, мардоналикни қўлдан бермаган. Жумладан, у Афғонистонда бир қишлоқни қўлга киритгач, «Боғи калон» деб аталган гўзал бир боғнинг эгасига пулини бериб, сотиб олганлигини ҳикоя қилади. Ана шу қишлоқда навкарларидан бири бировнинг бир хумча ёғини зўравонлик билан олиб қўйганлигини эшитиб, уни калтаклатишга буюради. «...таёқ остида ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар», - деб изоҳ беради.

Шунингдек, Бобур мамлакат ва халқни ҳароб қилувчи солиқларни қоралайди. Масалан, Бобур ўзининг 1525 йилдаги махсус буйруғи билан кишилардан, қишлоқлардан, кўча ва гузарлардан олинадиган «тамға» пулини бекор қилади. «Муббаййин» деган асарида Бобур ҳукмдор сифатида давлатманд гуруҳларга ўзларида бор бўлган бойликлардан камбағалларга бериб туришларини қатъиян амр қилади. Шуни ҳам айтиш жоизки, Бобур ўзбошимча, жоҳил шоҳлардан фарқли ўлароқ давлатни идора этишда давлат бошлиқлари билан иш олиб бориш зарурлигини уқтирган. У ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубида шуларни айтади: «... Агар менинг ризомни тиларсан, хилватнишинлиқни ва эл билан кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат ининги ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса, кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўзингга қарор бергайсан».

Бобур энг аввало, ҳарбий санъатнинг машҳур арбобларидан, тадбирли лашкарбошиларидан бири бўлган. У табиатан қўрқув ва саросима нималигини билмаган. Инглиз олими Эдуард Холден Бобурнинг жасоратини кўрсатиб: «..Бобур инсонлар ичида энг ботиридир», - деган бўлса, рус олими Н.И.-Веселовский: «...Бобур ботирлигининг чеки йўқ: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди. Фақат угина ўзининг икки юз кишилик отряди ёрдамида Шайбонийнинг 15 минг кишилик аскари билан мустаҳкамланиб олган Самарқандга ҳужум қилишга журъат эта олди. Иброҳим Лодий қўлидан эса Ҳиндистонни ҳеч нарсага арзимайдиган қурол ёрдамида тортиб олди». Бобурномани XIX асрда инглиз тилига таржима қилган Эрскин Бобур шахсиятини улуғлаб шундай деган:

«Бобур характерининг энг ёрқин белгиси, унинг бошқа мулкдорларникига мос келмаслигидадир. Осиё тождорларидаги маҳобатли сунъий характер ўрнида бизнинг кўз олдимизда Бобурнинг характери табиий, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтга ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган.

Бир киши учун бундан ортиқ таъриф бўлмаса керак.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ БИЛАН

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда Тошкент тумани ширкат хўжаликлари яқиндан туриб амалий ёрдам бердилар. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги кўмагидаги 9-мактаб педагогик жамоаси мамнун бўлди. Бу билим ўчоғига 15 та синфхона қуриб берилди.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳиммати билан 33-мактаб қўшимча 6 та синфхонага эга бўлди. Бундай оталиқ ёрдами туфайли тумандаги 21-,120-мактабларда ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Ҳасанбой ширкат хўжалигида қурилаётган болалар боғчаси эса шу яқин орада фойдаланишга топширилади. Бунинг учун хўжалик катта миқдорда маблағ ажратди.

А.АЛИЕВ

Теннис

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Ўтган йилдан бошлаб Осиё теннис Федерацияси қарорига биноан пойтахтимиз Тошкент кетма-кет уч маротаба қитъа чемпионати баҳсларига мезбонлик қилади. Куни кеча бошланган чемпионатда қитъамизнинг 20 мамлакатидан 64 спортчи иштирок этмоқда. Шуни алоҳида айтиш жоизки, бу йилги қитъа биринчилиги баҳслари «Улкан тож» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионатига йўлланма беради. Шу боис баҳслар муросасиз кечмоқда.

Айтиш лозимки баҳслар юртдошларимиз учун омадли бошланди. Мусобақаларда илк маротаба қатнашаётган В.Узоқов ўзининг биринчи учрашувини Хитой вакили Йин Ксюга қарши ўтказиб, 6:1,6:4 ҳисобида зафар қучди. Яна бир вакилимиз М.Иноятов ҳиндистонлик Сунли Кумар Сипаяни 6:3,6:1 ҳисобида доғда қолдирди. Афсуски ёш теннисчимиз Д.Исаев индонезиялик Феби Видеянтога имкониятни бой берди.

Аёллар ўртасида баҳслар ҳам ўта муросасиз кечмоқда. Қуръа натижаларига кўра икки баҳсда ҳамюртларимиз бирбирларига қарши ўйнашига тўғри келди. В.Экшибарова И.Саиджамиловани, Е.Артюнова эса А.Раҳмоновани мағлубиятга учратди. Ўтган йилги чемпионат баҳсларида Ойгул Омонмуродова финалгача етиб келган бўлса, Иванна Исроилова чорак финалда имкониятни бой берган эди. Бу йилги баҳслардан умид янада катта. Дастлабки натижалар шундан далолат бермоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г– 717. 1 2 3 4 5